

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>А.Э.Мадраҳимов</b> Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари .....	5
<b>В.Т.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov</b> Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар .....	12

КИМЁ

<b>И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов</b> Йод танқислигини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби.....	19
<b>Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хаитбаев</b> Бетулон кислотасини синтез қилиш .....	24
<b>Д.Т.Хасанова, И.Р.Асқаров</b> Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш .....	29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>В.Махмудов</b> Маданийлаштириш шароитларида <i>Agropyron Cristatum</i> (L.) Beauv. нинг катта ҳаётий цикли.....	36
<b>М.Холиқов, Ё.Ахмедова</b> Қора калхат ( <i>milvus migrans</i> )нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов</b> Доривор <i>sarparis spinos</i> нинг морфогенетик ва биогеокимёвий хусусиятлари .....	45
<b>Н.Ж.Халилова</b> Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари .....	49
<b>А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжиболаева</b> Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик хусусиятлари .....	52

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсодиқов, М.Мўйдинов</b> Кластер: назария ва амалиёт .....	57
<b>А.Мирсодиқов</b> Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари .....	62

ТАРИХ

<b>Э.Раҳмонов</b> Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида).....	65
<b>А.Азизов</b> Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида).....	69
<b>Б. Усмонов</b> Темурийлар даврида Фарғона боғдорчилиги .....	73
<b>С.А. Хошимов</b> Миллий сиёсий муҳолифатга қарши тазйиқ ва таъқиблар .....	76
<b>Р.Х.Максудов</b> Музей – халқ тарихининг кўзгуси .....	80
<b>О.А. Кличев</b> Бухоро амирлигида элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....	83
<b>О.В.Маҳмудов</b> Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар).....	87

УДК: 93/94:327(470+575.1/.4)(043.3)

**БУХОРО АМИРЛИГИДА ЭЛЧИЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ ТАРТИБИ  
(XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари)  
ПОРЯДОК ПРИЕМА ПОСЛОВ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ  
(Вторая половина XIX века – начало XX века)  
ORDER OF RECEPTION OF AMBASSADORS IN BUKHARA EMIRATE**

О.А. Кличев

**Аннотация**

Мақолада Бухоро амирлигида расмий элчилик вакилларини кутиб олиш билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Кутиб олиш тадбирлари билан боғлиқ маълумотлар амирликка ташриф буюрган элчилик вакилларининг хотиралари, қайдлари ҳамда архив манбалари асосида ўрганилган. Шунингдек, элчиларни қабул қилиш жараёнларида содир бўлган ўзгаришлар ҳам таҳлил этилади.

**Аннотация**

В статье рассматриваются вопросы, связанные с приемом официальных представителей посольств в Бухарском эмирате. Сведения о дипломатических приемах составлены на основе воспоминаний, заметок представителей посольств, а также архивных материалов. Кроме того, проанализированы изменения, происходившие во время приемов послов.

**Annotation**

This article covers the issues of the reception of the official ambassadorial representatives in the emirate of Bukhara. The data on the events related with the reception of the embassy representatives are scrutinized in accordance with the reminiscences, memos of the embassy representatives and the archive sources. Furthermore, the changes in the reception of the ambassadors occurred are analyzed.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** элчи, амир, қўшбеги, фойтун, бек, мактуб, расмий қабул, мирохўр, Ғурбун.

**Ключевые слова и выражения:** посол, эмир, кушбеги, фаэтон, бек, письмо, официальный прием, мирахор, Ғурбун

**Keywords and expressions:** embassy, emir, qushbegi, phaeton, bek, letter, official reception, mirakhur, Ghurbun

Ўрта Осиё минтақаси азалдан унга қўшни мамлакатларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бухоро амирлиги ва унинг атроф мамлакатлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари буни яққол тасдиқлайди.

Мавжуд қўлзма ҳужжат ва асарларнинг таҳлили Бухоро амирлигида бошқа давлат вакиллари ва элчилик корпуси аъзоларини қабул қилиш (кутиб олиш, жойлаштириш, мулоқотга киришиш) ҳамда ҳурмат кўрсатган ҳолда тегишли тартибда жўнатиш, амирлик манфаатлари юзасидан бошқа мамлакатларга элчи ёки амирнинг ишончли вакилларини танлаш ва юбориш каби дипломатик қонун-қонидларга юқори даражада риоя қилинганлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижасида Бухоро амирлиги ҳудудига ташриф буюрган ва амир билан учрашиши белгиланган турли даражадаги мартабали шахсларни қабул қилиш ва жўнатиш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олганлиги аниқланди:

1. Амирлик ҳудудига ташриф буюрган элчи ва ишончли вакилларни кутиб олиш ва тегишли тартибда жойлаштириш.

2. Элчи ва элчилик корпуси аъзоларининг амирлик ҳукумати вакиллари билан расмий учрашувларини ташкил этиш.

3. Элчилик даврида элчиларнинг

амирлик ҳудудида фаолият олиб боришлари учун тегишли тадбирларни амалга ошириш.

4. Амир қабулида бўлган элчиларни мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишларини таъминлаш.

Бухоро амирлиги ҳудудига ташриф буюрган элчи, меҳмон, олим ва расмий шахслар тегишли тартибда кутиб олинган. Кутиб олиш ва жойлаштириш, уларнинг мартабаси ва мавқеидан келиб чиқиб белгиланган. Яъни, амирлик ҳудудига илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш мақсадида ташриф буюрган шахслар учун қабул оддий тартибда амалга оширилган бўлса, Россия империясининг юқори мартабали амалдорлари ёки уларнинг ишончли вакиллари эса элчилик тартиблари асосида қабул қилинган.

Хусусан, амирлик маъмурияти элчилик вакиллари тўғрисида дастлаб чегарадош ҳудуд бекларидан, кейинги асрларда эса Туркистон генерал-губернатори девонхонасининг дипломатик қисм вакилидан, 1886 йил январдан эътиборан амирликда ўз фаолиятини бошлаган Россия императорининг Бухородаги сиёсий агентлигидан маълумот олган. Ушбу маълумотлар расмий ҳукуматлараро ёзишмаларда ҳам баён этилган. Ўзаро ёзишмалар натижасида

О.А. Кличев – БухДУ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

амирлик маъмурияти ушбу фаолиятни амалга ошириш учун ҳудуд бекларига тегишли кўрсатмалар берган.

Амирлик ҳудудига ташриф буюрувчиларни кутиб олиш ҳам бир неча босқичдан иборат эди.

Биринчи босқичда Самарқанд вилоятининг амирлик ҳудуди билан чегарадош бекликларида ва амирликнинг бошқа бекликларида;

Иккинчи босқичда пойтахт Бухорода ёки бошқа шаҳар яқинида кутиб олинган.

Шу билан бирга, темирийул транспортининг йўлга қўйилиши натижасида темир йўл бекатларида ҳам кутиб олиш тартиби амал қилган.

Амирлик ҳукумати мамлакатга ташриф буюрувчи элчиларни кутиб олиш ва кузатиш ишларига асосан Самарқанд вилоятига яқин Зиёвуддин, Нурота ва Кармана, Қарши, Шаҳрисабз беклиги маъмурияти вакиллари масъул этиб тайинлаган.

Амир элчиларга амирлик ҳудудида ҳамроҳлик қилиш, уларни кутиб олиш ва тегишли манзилга қадар кузатиш учун тўражон (амирлик тахтининг вориси – О.К.), қўшбеги, тегишли ҳудуд беклари ва алоҳида амалдорларни ажратган.

1870 йилда коллеж котиби Вейнберг бошчилигидаги элчиларни Шаҳрисабз-Қарши йўлида Абдул Қодирбий додхоҳ, Қаршида эса амир Абдулаҳадхоннинг энг яқин кишиси Амир Насрулло, Муҳаммад иноқ қўшбегининг ўғли Муҳаммад Шарифбий кутиб олишган [1]. 1881 йилда Россия императорининг Бухоро амири номига йўллаган мактубини етказиш вазифасини амалга оширган стат маслаҳатчиси [2] Ибрагимов, қўшин старшинаси Буласел, титул маслаҳатчи [3] Логотлардан иборат элчиликни Бухоро яқинидаги Ғурбун манзилида Худойкул парвоначи қалмоқ, Мамараҳим парвоначи, Абдушукурбек қоровулбеги, Мирзо Озод Нажмиддинхўжа каби амир амалдорлари кутиб олишган [4]. Бу каби амалдорлар элчиларнинг амир қабулига қадар ва ташриф давомида соғ-саломат этиб олишларини таъминлашлари керак эди.

1884 йилда Бухоро амирлигига ташриф буюрган В.В.Крестовский аъзолигидаги элчилик вакиллари амирлик амалдорлари томонидан қабул қилинганлигини куйидагича хотирлайди: *"Бизни Шаҳрисабзга олти вёрст [5] қолганда амирнинг дастлабки қабули ва ҳурматини билдириш мақсадида Раҳматулла тўқсоба кутиб олди. Тўқсоба от устида салла ва тўн*

*кийган, белида хуросон қиличи, унинг олдида амалдор ва йигитлар бор эди. Амир элчилик вакиллари учун мўлжаллаб иккита фойтун ҳам ҳозирлаган эди"*.

У ўз фикрларини давом эттириб, элчилик вакиллари ва амир амалдорининг илк учрашуви хусусида куйидагиларни баён этади. *"... тўқсоба отдан тушган ҳолда бизнинг ёнимизга келди. Биз ҳам тегишли тартибда энгил араваларимиздан тушиб, тўқсоба билан саломлашиб кўришдик. Учрашув йўл ва унинг қандай ўтганлиги, амир ҳамда генерал-губернаторнинг соғлиги билан боғлиқ хабарлар ва мулоқотлар хусусида бўлди"* [6]. Бухоро амирининг тегишли амалдори томонидан элчилик вакиллари томонидан яқин жойда кутиб олинishi ва уларнинг амир қабулига қадар боришлари учун транспорт, яъни фойтун ажратилиши элчининг кутиб олувчи томонидан ҳурмат, қабул тартибларига риоя қилинганлигидан далолат беради.

Элчилар ва уларни кутиб олишга бириктирилган амалдорнинг ўзаро мулоқоти расмий дипломатик этикет, яъни иккала томон вакиллари томонидан соғлиги ва иш фаолиятини сўраб-суриштирилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Раҳматулло тўқсобанин элчилик вакиллари қабул қилишининг аҳамияти шундаки, биринчидан, у амирнинг кириб келган меҳмон хусусида хабардор эканлигини ва уларни амир жойлашган шаҳарга қадар кузатиб боришини билдириб, ўзининг уларга бириктирилганлигини баён этган.

В.В.Крестовскийнинг таъкидлашича, улар учун ажратилган фойтунларга тўрттадан от қўшилган, уларнинг ҳар бирига биттадан чавандоз ўтирган, аммо фойтуннинг бошқарувчи (ҳайдовчи) ўриндиғида ҳеч ким жойлашмаган бўлган [7].

Ушбу ҳолат ҳам амирликдаги ўзига хос дипломатик қабул этикети ҳисобланиб, унда ҳеч ким муҳтарам меҳмон билан бир фойтунда уларга орқа томони билан ўтирмаслиги кераклигини кўрсатади. Агар меҳмонларнинг бирортаси фойтун ҳайдовчиси ўриндиғига ўтириш истагини билдирса, унда бундай қарор ҳурмат белгиси ҳисобланган. Фойтун ўртача тезликда ҳаракат қилган бўлиб, бу муҳтарам меҳмон секинлик билан шошиши зарурлигининг белгиси ҳисобланган.

Элчилик вакиллари кутиб олиш мақсадида амир вориси Чироқчи беги Тўражон ҳам амирлик чегарасидан ўн икки масофада ўзининг ишончли вакили Байбекбий ва бир гуруҳ амалдор ва йигитларни сафарбар этган. Бу ҳам одатий ҳол ҳисобланган. Чунки амир

## ТАРИХ

қабулига элчилар тегишли ҳудудлар орқали йўл олганлар.

Амир мартабали меҳмонларни кутиб олиш мақсадида Чироқчи беклигига, Балжувон беги Раҳматқул додхоҳ, Дарвоз беги Муҳаммад Муродбий ва қоровулбеги Масъум мирохўр каби амалдорларни ҳам юборган. Бу ҳол элчилик вакиллари юқори даражада қабул қилинишининг белгиси бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида мавжуд манбаларнинг гувоҳлик беришича, амирлик пойтахти Бухоро шаҳрига ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш ҳам ўзига хос тартиб ва тамойилларга асосланган. Бунда пойтахтга яқин бўлган Ғурбун, Бўстон ва Баҳовуддин оралиғида элчиларни амир қўшбегиси ходимлари кутиб олишган. Ушбу ходимлар элчиларга Бухоро амирининг саломи ва муносабатини билдирганлар. Шундан сўнг, улар дастлаб сафар давомида ҳудуд бекларининг элчиларга кўрсатган дўстона муносабати ва амалий ёрдами, сўнгра эса уларга бириктирилган амалдор фаолиятдан қай даражада қониқиш ҳосил бўлганлиги тўғрисида сўраб суриштиришган. Шунингдек, шаҳарга кириб боришнинг ўзига хос тартиби мавжудлиги тўғрисида ҳам тушунтириш берилган.

Жумладан, 1870 йилда май ойида Бухоро амири ҳузурига полковник Носович ва поручик Сирлатовларнинг ташриф буюрганлиги маълум. Уларга амир томонидан Тошкентга элчи сифатида жўнатилган Носир мирохўр ҳамроҳ этиб белгиланган эди. Элчилик раҳбари Носович ўзининг генерал-губернатор номига йўллаган мактубларининг бирида пойтахт Бухорога кириб келиши ва амир амалдорлари томонидан кутиб олинишини қуйидагича тасвирлайди. *"...Бўстон ва Баҳовуддин оралиғидаги ҳудудда бизни қўшбеги томонидан ажратилган одамлар кутиб олдилар. Улар бизга талай ноз-неъматларни беришди. Биз маҳаллий анъаналарга биноан ушбу маҳсулотларни халққа тарқатишимиз кераклигини таъкидладилар. Бухоро ва Баҳовуддин оралиғида эса икки қаторда сафлаган икки бошлиққа эга 300 та суворий ҳам бизни кутиб олди. Ушбу кутиб олувчилар бизга амир табригини етказдилар"* [8].

Ушбу маълумотлар бир томондан пойтахт Бухорога кириб келувчилар дўстлик ва тинчлик тарафдорлари эканлигини билдириш мақсадида амир амалдорлари тарафидан маҳаллий аҳоли вакилларига турли хилдаги ширинлик ва ноз-неъматларни тарқатиш

тартибининг жорий қилинганлигини кўрсатса, иккинчи томондан ушбу элчилик эзгу ниятларни кўзлаганини халққа намойиш этилганидан далолат беради. Элчиларни сараланган 300 отлиқ қўшин ва ҳарбий сардор томонидан кутиб олиниши эса, уларнинг шаҳарга кириб боришларига тантанали руҳ касб этиш ҳамда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё минтақасига темирйўл транспорти кириб келди. Бу, ўз навбатида, минтақадаги энг асосий шаҳарларда ёки уларга яқин ҳудудларда темирйўл бекатларининг ташкил этилишига олиб келади. Бухоро амирлиги ҳудудидаги Янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Кармана каби темирйўл бекатлари элчилик вакиллари қабул қилиш манзилига ҳам айланди. Бу, шарқ мамлакатларида темирйўл бекатларида мартабали меҳмон ва элчиларни қабул қилиш анъанасининг шаклланишига олиб келди.

Бухоро амирлигига 1898 йил июнь ойида ташриф буюрган Туркистон генерал-губернаторини Янги Бухоро (Когон) темирйўл бекатида кутиб олиш тадбирлари алоҳида тайёргарлик натижасида амалга оширилган эди. Чунки қабул ярим тунда бўлган. Бунда амир ҳукумати темирйўл бекатидан беш верста узоқликдан бошлаб темирйўл ёқалаб машъалалар ёқиш, темирйўл вокзалини кўплаб чироқлар билан ёритиш ва расмий қоровулларнинг байрамона кийимда сафда туриши тўғрисида кўрсатмалар берган. Ушбу қабулнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, генерал-губернатор пойтахт Бухорода амирнинг йўқлиги сабабли ташриф буюрмаган ва натижада қабул темирйўл бекатида амалга оширилган.

Меҳмонни пойтахт шаҳарни бошқаришга масъул этиб тайинланган амалдорларнинг вакиллари кутиб олишган. Булар Икром иноқ тўпчибоши (Қози калон вакили), Ҳазратқул девонбеги (Жон Мирзобий девонбеги вакили), Мирзобой тўқсоба удайчи (Дурбинбий девонбеги вакили) бошчилигидаги бир гуруҳ бухоролик амалдорлар ҳамда 1-Бухоро батальони командири Қамбар Али мирохўр эдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, вокзал ҳовлисида бир нечта чироқ қўйилган махсус ички томони ипак матолар билан безатилган чодир тайёрланган. Чодир атрофида эса зардўз тўнларда мусиқачилар жойлаштирилган эди.

Чодир ўртасига оқ дастурхон тўшалган стол қўйилган. Қабул сўнгида генерал-губернатор ўз миннатдорчилигини амирга

етказишни билдирган ҳолда: "Амир ҳазратлари бугунги кунга келиб, Россиянинг юраги ҳисобланган Москвада, мен эса амирликнинг юраги ҳисобланмиш Бухородалигим икки мамлакат ўртасида ҳақиқатдан ҳам дўстлик мавжудлигини билдиради", деб хайрлашган[9].

Туркистон генерал-губернаторини бундай тартибда қабул қилиш билан боғлиқ маълумотлар таҳлили, биринчидан, юқори даражадаги элчилар мамлакат раҳбари йўқлигида унинг пойтахтига ташриф буюрмасдан, балки тегишли вакиллар билан учрашиши тартиби жорий қилинганлигини англатади. Иккинчидан, Бухоро амирининг ўз давлати ҳудудида бўлмаган пайтда мамлакатни идора қилиш мақсадида тайинланган амалдорлар генерал-губернаторни кутиб олиш хусусида фақат тегишли кўрсатма бермасдан, балки махсус амалдорларни ҳам ажратишганлиги кўрсатади. Бу тадбирлар амирликдаги элчилик хизмати ўзига хос жиҳатларга эга эканлигини кўрсатади.

Темирийўл бекатларида элчиларни қабул қилиш билан боғлиқ тадбирлардан яна бири 1908 йил 10 июлда Бухоро амири билан учрашиш мақсадида келган сенатор граф Пален ва текширувчи комиссия аъзоларининг Кармана темирийўл ташрифини мисол қилиш мумкин. Меҳмонларни кутиб олиш учун амирлик ҳукумати темирийўл бекати перронини байроқлар ва гиламлар билан безатган эди.

Тўражон Саид Олим ҳамда сиёсий агент Я.Я.Лютш элчилик вакилларини кутиб олиш учун бекатга келганлар. Амир қўшинларидан иборат фахрий қоровул саф тортган эди. Олим отаси номидан меҳмонга дўстона қабул мазмунидаги нутқ сўзлаган. Шундан сўнг, меҳмонлар улар учун тайёрланган элчихонага қараб йўл олишган[10].

Ушбу қабулда сиёсий агентнинг иштироки шундаки, у ҳудудий вакил сифатида амирликка ташриф буюрувчилар билан амир қабулини ташкил этган ва ўзи ҳам шахсан иштирок этган. Зеро, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг назоратини амалга ошириш ушбу давлатдаги расмий вакил зиммасида эди.

Элчилик вакилларининг кутиб олинишига доир маълумотларни таҳлил этиш натижасида қуйидагиларни билдириш ўринлидир. Биринчидан, Бухоро амирлигида элчилик вакилларини кутиб олиш жараёни алоҳида-алоҳида тартиблар комплексидан таркиб топган. Иккинчидан, амирлик ҳукумати элчиларнинг хавфсизлиги ҳамда уларнинг давлатлараро муносабатларни амалга оширишдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, улар учун тегишли амалдорларни ажратишга алоҳида эътибор қаратади. Учинчидан, амирликда элчиларни кутиб олиш ҳам маҳаллий, ҳам Россия империясида қабул қилинган тартиблар асосида амалга оширилган.

#### References:

1. UzR MDA I-1-fond, 34-ro`yxat, 290-ish, 39-varaq.
2. Stat maslahatchisi – Rossiya imperiyasidagi fuqarolik mansablardan biri. Jumladan, departament va general-gubernatorliklarda muovin hamda davlat g`aznasining vakili sifatida faoliyat yuritgan shaxslar shunday atalgan.
3. Titul maslahatchi – Rossiya imperiyasidagi fuqarolik mansablardan biri. Fuqarolik muassasalarida maslahatchilikka nomzod darajasidagi shaxs.
4. UzR MDA; I-1-fond, 34-ro`yxat, 504-ish, 7-varaq.
5. Versta - qadimgi rus o`lchov birligi. Qiymati 500 sajenga, ya`ni 1,0668 km ga teng. Bu o`lchov birligi asosan chegaralarni belgilash va aholi yashaydigan punktlar orasidagi masofani aniqlash uchun ishlatilgan.
6. Krestovskiy V.V. V gostyah u Emira Buharskogo (Putevoy dnevnik) // Russkiy vestnik. – M.: Universitetskaya Tipografiya (M.Katkov), T.171.1884.–S.127
7. Krestovskiy V.V. V gostyah u Emira Buharskogo (Putevoy dnevnik) // Russkiy vestnik. - M.: Universitetskaya Tipografiya (M.Katkov), T.171.1884.–S.128.
8. ЎзРМДА; I-1-fond, 34-ro`yhat, 527-ish, 120-varaq.
9. Priyezd Turkestanskogo general-gubernatora v Turkestanskiy kray // Turkestanskiye Vedomosti. 1898 god,14 iyunya. №44.
10. Mestniye izvestiya // Turkestanskiye vedomosti. 1908 god, 13 iyulya, №152.